

ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Хурлиман Мангитбаевна Кдирбаева

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ижтимоий интеллектнинг бугунги кунда аҳамияти, долзарб масала эканлиги ҳақида маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий қарашлари келтирилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон миёсида кенг доирада ўрганилаётгани ҳақида қарашлар баён этилган.

Калит сўзлар: интеллект, ижтимоий интеллект, ижтимоийлашув, ёш даврлари, шахслараро муносабатлар, мулоқат, мулоқат маданияти.

ABSTRACT

This article presents the scientific views of local and foreign scholars on the importance of social intelligence today. Opinions are expressed that today it is widely studied in Uzbekistan.

Keywords: intelligence, social intelligence, socialization, youth, interpersonal relationships, communication, communication culture.

КИРИШ

Дунёда глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятларнинг кучайиб бораётганлиги боис 2 миллиардан ортиқ ёшларнинг [1] онги ва дунёқарабини ўзгартиришга қаратилган кураш авж олмоқда. Ёшлар ҳуқуқий маданиятининг даражаси эртанги кун тараққиётини белгилаб бериши муносабати билан мазкур масала тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда [2].

Мустақил Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларининг тарбия тизими – бу ўзбек халқининг ўзига хос миллий характери, ахлоқ қоидаларига ва миллий истиқлолнинг тарбиявий талабларига асосланувчи ижтимоий компетенциялари шаклланган ўқувчи-ёшларни тарбиялаш педагогик жараёнидир.

Мазкур илмий таҳлиллар бугун замоннинг ўзи ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий компетенцияларини шакллантиришнинг янги инновацион, оптимал, ахборот технологиялари ёрдамига таянадиган янгича услубдаги таъсирчан

тарғибот усулларининг илмий асосини яратиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Бугунги кунда кўпчилик тадқиқотчиларнинг катта қизиқишини орттирган масала ижтимоий интеллект мавзуси бўлиб, мазкур муаммога доир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Инсон ҳаёти ва фаолияти давомида атрофдагилар билан бўлган муносабатларни самарали ва ижобий олиб боришга интилади. Бугунги кунда ҳар бир соҳада рақобатбардошликни талаб қилинадиган бир пайтда шахслараро муносабатларни ижобий амалга ошириш бўйича ҳам қатор муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Мазкур муаммога самарали ечим сифатида шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш, ижтимоий мослашувчанликни қарор топтириш талаб этилади.

Энг аввало, ижтимоий интеллектни масаласини баён этишдан аввал умумий интеллект тушунчасига тўхталиб ўтиш зарур.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Интеллект” лотин тилидан олинган бўлиб, ақл, идрок, зеҳн маъноларини англатади. Интеллект инсоннинг билиш қобилияти, фикрлаш, англаш, тафаккур қилиш салоҳиятини белгилайди. У маънавиятга яқин бўлиб, инсоннинг руҳий-ҳиссий туйғуси, билиш қобилияти ва ақл-заковати, ақлий етуқлиги ва юксакликка интилиши билан уйғунлашади [3, 6-12].

“Педагогика” энциклопедиясида интеллект тушунчаси қуйидаги талқин қилинган: Интеллект кишиларнинг ақли, идроки, заковати, маънавий жиҳатдан етуқлик даражасини ҳам ифодалайди; тасаввур, идрок, синчиковлик орқали жамланган материални билиш усуллари (таққослаш, абстракция, тушунча, ҳукм ва.х.к.) орқали асосли билимга эга бўлиш ёки мавжуд билимни танқидий таҳлил этиш қобилиятини ҳам англатади. Тафаккур тарихида интеллект тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар турлича бўлган. Интеллект маънавиятга таалукли бўлгани учун руҳий ҳолат маҳсули сифатида иродадан устун туради, деган тасаввурлар мавжуд. Интеллектуал ресурс инсонларда билим, ҳаётий тажриба ва идрок ҳамда зеҳн асосида, аввало, ўз ақлий омилкорлик салоҳиятини, турмуш тарзини турли йўналиш ва шаклларда янада бойитиш, унинг янги қирраларини очиш, мукаммаллаштириш имкониятидир [4, 6-222].

Ижтимоий интеллектнинг юзага келишида умумий интеллектнинг барча элементлари бевосита иштирок этади: тафаккур, тафаккур турлари анализ, синтез, ҳаёл, таққослаш, хотира ва унинг турлари.

Ижтимоий интеллект тушунчасига оид қарашлар тарихий асосга эга

бўлиб, энг қадимги ёзма манбаларданок бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, зардўштийлик динининг муқаддас китоби – “Авесто”да ижтимоий интеллектнинг моҳиятини очиб берувчи қатор маълумотларга гувоҳ бўлиш мумкин. Педагог олима С.Нишоновна ўзининг “Комил инсон тарбияси” монографик асарида энг қадим замонлардан бошлаб инсонни шакллантиришнинг мезони сифатида: ақлий етуклик – соғлом фикр, юқори истеъдод, салоҳият; маънавий-ахлоқий юксаклик; жисмоний етуклик – бадан тарбияси, дилбарлик тарбияси; нафосат тарбиясига аждодларимиз алоҳида аҳамият қаратганлигини таъкидлаб, “Авесто”да – инсон меҳнати туфайли барча ёмон ҳислат, ёмонлик ҳамда ёвузликлардан қутулиш мумкинлиги асосий ғоя сифатида илгари сурилган лигини қайд этиб ўтган.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолар ижтимоий тузум, давлатнинг гуллаб-яшнаши учун зарур бўлган муҳим инсонпарварлик ва ижтимоийлашув ғояларини илгари суришди ҳамда ижтимоий интеллектни ривожлантириш босқичлари, мезонлари ва тамойилларини ишлаб чиқишган.

Форобий ўзининг ижтимоий ғояларига кўра ниҳоят даражада тараққийпарвар ва инсонпарвардир. У инсонни ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди ва одамлар орасидаги ҳамкорликдаги муносабатлар уларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари ва ўзаро бирлашуви асосида юзага чиқади, деб ҳисоблайди. Форобийнинг фикрича, инсоннинг тақдири аввалдан белгиланган эмас, ҳар бир шахс ўз ихтиёрига биноан фаолият кўрсатиб, ўз бахтини ўзи яратади, тақдирини ўзи ҳал этади. Яратилишда инсонлар бир хил, лекин тарбия, муҳит таъсири остида улар ўзгарадилар. Олим бу ўринда тарбияга катта аҳамият беради [5].

Ижтимоий интеллект тушунчаси биринчи марта 1920 йили Э.Торндайк томонидан фанга киритилган. У мазкур тушунчани “шахслараро муносабатларда онгли, ўйлаб, оқилона ҳаракатлар билан мулоқотда бўлиш”, деб тушунтирган. Э.Торндайк ижтимоий онг(ақл)ни одамлар билан мулоқотнинг муваффақиятини таъминлайдиган ўзига хос когнитив қобилият деб ҳисоблаган. Ижтимоий ақлнинг асосий вазифаси мулоқот жараёнидаги ҳатти-ҳаракатларни олдиндан ҳис эта олишдир. Ижтимоий интеллект умумий интеллектнинг бир тури ҳисобланади [6, 6-57-60].

В.Н.Дружинина, Ю.Н.Емильянова, А.Л.Южанинова, В.Н.Куницина, Е.С.Михайлова ва бошқа тадқиқотчиларолиб борилган илмий изланишларда ижтимоий интеллектнинг самарадорлигини когнитив қобилиятлар белгилаши [7, 6-84-87] га алоҳида эътибор қаратилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

М.И.Бобнева ижтимоий интеллектни мулоқот ва ижтимоий ўзаро таъсир муҳитида шаклланивчи инсоннинг алоҳида қобилияти сифатида баҳолаш керак, деб ҳисоблайди. Шунингдек, муаллиф ижтимоий интеллект ва умумий интеллектни фарқлашга ҳаракат қилади: умумий интеллектуал ривожланиш тўғридан-тўғри ижтимоий интеллект даражаси билан боғлиқ эмас. Юқори интеллектуал даража инсон учун зарур ҳисобланади. Бироқ шахснинг ижтимоий ривожланиши учун етарли шарт бўла олмайди. У ижтимоий ривожланишга ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари юксак интеллект эгаси ижтимоий муҳитда ноадекват ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори билан кадрсизланиши мумкин [8,6-312].

А.Л.Южанина ижтимоий интеллектни амалий ва мантикий интеллект билан бир қаторда кўриб чиқади. Охирги иккитасини у субъект-объект муносабатлари доирасида киритади. Ижтимоий интеллектни эса, субъект-субъект доирасига қўшади. Муаллиф, ижтимоий интеллект – бу уч ўлчовда кўриладиган алоҳида ижтимоий қобилиятдир, деган хулосага келган:

1. Ижтимоий-перцептив қобилиятлар – инсоннинг индивидуал адекват ифодалаш имкониятини таъминловчи тўлиқ шахслик қурилмасидир. Унинг хусусиятлари эмоционал доирасидаги психик жараён ва вазиятларга кўчиб ўтади. Шунингдек, унинг атрофдагилар билан муносабатида характерини англашдаги аниқлигидир. Бироқ, рефлексияни ижтимоий-перцептив жараёнлар билан алоқасини ҳам эътиборга олиш лозим. Шунинг учун ушбу ҳодисанинг психологик мазмунини, ўз-ўзини англаш қобилияти, яъни ўзининг индивидуал-шахслик сифатларини англаш, ҳатти-ҳаракат мотивлари ва ўзини бошқалар томонидан қабул қилинишидаги характерини ҳам ҳисобга олиш зарур.

2. Ижтимоий тасаввур – бу инсоннинг ташқи белгилари асосида кишиларнинг индивидуал ва шахслик хусусиятларини адекват моделлаштириш қобилиятидир. Шунингдек, келгусидаги ўзаро таъсир хусусиятларини аниқ кўра билиш, аниқ вазиятларда инсоннинг ҳатти-ҳаракати характерини башорат қилиш қобилияти ҳамдир.

3. Мулоқотнинг ижтимоий техникаси – бу вазиятни идора қилиш ва ўзаро таъсир шахслик сифатини йўналтириш, ўзининг ролини ўзига қабул қилиш маҳоратида намаён бўлувчи «ҳаракатдаги» компонентдир. У мулоқат техникаси ва воситасини талаб қилади.

ХУЛОСА

Шунингдек, А.Л.Южанинова умумий ва ижтимоий интеллект муносабатларига ҳам тўхталиб ўтган. Кўпчилик тадқиқотлар натижасида А.Л.Южанинова шундай хулосага келади-ки, ижтимоий интеллект умумий интеллектга боғлиқ эмас, лекин унинг ривожланиш даражаси инсоннинг мослашувига таъсир кўрсатади: ижтимоий интеллект қанчалик юксак бўлса, инсон шунчалик мослашувчан бўлади. Психиканинг ушбу томонининг аҳамияти кўп сонли мисолларда кўзатилади. Қачонки, моддий дунё ҳодисаларини ўрганишда юксак муваффақиятлари билан ажралиб турувчи инсонлар (юқори умумий интеллект соҳиблари) шахслараро муносабат доирасида ожиз қолишганида бу яққол кўринади. Шу тарзда ижтимоий интеллекти-ижтимоий мослашув ва мулоқотчанликни белгилаб берувчи интеграл интеллектуал қобилиятдир [9, 6-84-87].

REFERENCES

1. [https // news./un. org/ 565442-government-bodies-must-serve-people-uzbek-president](https://news.un.org/565442-government-bodies-must-serve-people-uzbek-president)
2. Проблемы гражданского общества. Ежемесячный обзор зарубежной литературы. – 2018. – №9 (14).
3. Шайхова Х. Интеллектуал салоҳият – тараққият мезони. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.12.
4. Қораев Самаридин Баракаевичнинг. Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 01, 2020 ISSN: 1475-7192 1734-1742 page.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 222 б.
6. Федоренко А.В. Социальный интеллект: Сущность и проблемы у студентов педагогических специальностей//Вестник Военного университета. 2011.№4 (27).С.57-60.; Практический интеллект / Роберт Дж. Стернберг, Джордж Б. Форсайт, Дженнифер Хедланд и др. СПб.: Питер, 2002. – 265 с.
7. Дружинин В. Н. Психология общих способностей / В. Н. Дружинин. - СПб. : Питер,1999. - 289 с.; Емельянов Ю.Н. Активное социально-психологическое обучение / Ю. Н. Емельянов. - Л. : Изд-во ЛГУ, 1995. – 167 с.; Южанинова А. Л. К проблеме диагностики социального интеллекта / А. Л. Южанинова // Проблемы оценивания в психологии. - Саратов: 1994. – С.84-87.Куницына В. Н. Межличностное общение: учебник для вузов / В. Н. Куницына, Н. В.

- Казаринова, В. М. Погольша. - СПб.: Питер, 2002. - 544с. Куницына В. Н. Социальная компетентность и социальный интеллект: структура, функции, взаимоотношение / В. Н. Куницына // Теоретические и прикладные вопросы психологии / Под ред. А. А. Крылова. - СПб. : 1995. - С. 48-59.
8. Бобнева М. И. Социальные нормы и регуляция поведения / М. И. Бобнева. – М. : Наука, 1998. – 312с.
9. Южанинова А.Л. К проблеме диагностики социального интеллекта / А. Л. Южанинова // Проблемы оценивания в психологии. – Саратов: 1994. – С.84-87.
10. Kdirbayeva, X. (2020). PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF SOCIAL INTELLECT. In ПЕДАГОГИКА И ПСИХОЛОГИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ (pp. 102-106).
11. Mangitbayevna, K. X. (2019). THE PROBLEM OF SOCIAL INTELLECT AND ITS COMPONENTS IN THE WORK OF ORIENTAL THINKERS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(3).
12. Сергеева, Э. С. (2020). ПРИЁМ ПОНИМАНИЯ КАК ОДИН ИЗ СПОСОБОВ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТЕКСТА. Academic research in educational sciences, (4).
13. Сергеева, Э. С. (2021). КАТЕГОРИЯ ПРОСТРАНСТВА В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ. Экономика и социум, (1-2), 957-960.